

**КН 00043** -сонли шартнома  
«Истеммолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларини күрсатиш учун

«18» январь 2022 й.

Ушбу шартнома «Навоий сув таъминоти» МЧЖ, Конимек туман бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи О.Камалов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеммолчи» деб юритилувчи Конимек туман Ободонлаштириш бошкармаси узининг устави асосида иш олиб борувчи директор Г.Ж.Тухтаев иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилиди:

**I.Шартнома предмети**

1.1. 2021 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузиленган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан бўён матинда II гурух «Истеммолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 8 675 нарх бўйича 1 383 м<sup>3</sup>ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 8 625 сўм (ККС 15% билан), + 50 сўм (махсус устама ҳақни);

1 м<sup>3</sup> оқова сув учун -0- сўм (+ККС 15%), + -0- сўм (махсус устама ҳақни ташкил қилмоқда).

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 11 997 525 сўмни ташкил қилди. Ун бир миллион туккиз юз туксон етти минг беш юз йигирма беш сўм (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 11 997 525 сўм, бюджетдан ташкири маблағларидан -0- сўм бюджетдан ташкири маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеммолчилари Коидаларда белгиланган тарзида “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазири Фазончилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеммолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеммолчи»дан оқова сувларни кабул килиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеммолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 санаасигача 100 фоизлик олдиндан ҳак тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларни бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеммолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матида – Коидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун -0- сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимида уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

**II. Умумий коидалар**

2.1. «Истеммолчи» «Таъминотчи» ташкилоти руҳсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва оқова сув тармокларига, иншоот ва курилмаларга субистеммолчиларнинг уланишига руҳсат бериш ҳукукига эга.

2.2. «Истеммолчи» билан субистеммолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб қицилмайди.

2.3. Агар «Истеммолчи» ва унга уланган субистеммолчи турли гурух ва тоифали истеммолчилари мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеммолчи» ҳам, субистеммолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-даражаларни сугориш учун фойдаланишига кўйидаги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмагандан, таъминоти ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеммолчи ҳўжалик-истеммол, маший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жаёналари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланиди, ҳамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини счиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчиликда белгиланган тартибида амалга оширилади.

2.7. «Истеммолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, обектнинг максимал сув истеммоли ва минимал сув истеммолига текширилади ҳамда «Истеммолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеммол микдоридан кам микдорда сув истеммол килинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеммолчиларнинг уланиши «Истеммолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеммолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова килган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеммолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеммолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак миқдори ўзгартган санаасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеммолчи» билан тузиленган шартнома ўз кучини саклаб колади ва «Истеммолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санаандан ётиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеммолчи»лар шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўтгасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоклари, иншоотлари ҳамда курилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеммоли учун — тармокка уланишини узиб кўйувчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеммолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир кисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеммолчи» оқова тизимининг ички кисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуғи (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу қудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг бир кисми ҳисоблананиб, унга туаштирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеммолчи»нинг маблағилари ҳисобидан амалга оширилади.

**III. Тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

**3.1. «Истеммолчи» нинг ҳукуқлари:**

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонламда бекор килиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотнами шахсан ёки ўз вакили орқали белуп олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни белуп олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

**3.2. «Истеммолчи» нинг мажбуриятлари:**

Кўриб чиқсан юрист: OLOGOV OTABEK SAPAROVICH. Ҳужжат рақами: HU8012706763

- 3.2.1. Окава тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут сакланганлиги ишга яроқилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- 3.2.2. Истемолчига карашли санитария асбоблари, окава тармоқлари, иншоот ва курилмалардаги тамбанинг йўклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истемолчининг окава тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташкилотида авария (тиқилиб колиш, сув босиши) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;
- 3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув курилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;
- 3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва курилмаларнинг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун конунчиликда белгилангандаги тартибида жавобгарлик;
- 3.2.5. Ичимлик сувни таъминотининг ёнгина карши тизимидан фойдаланиши тўхтатилганда «Истемолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;
- 3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоқ килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган холда тақдим килиш ва тўловни амалга ошириш.
- 3.3. «Таъминотчи» нинг ҳукуклари:
- 3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истемолчини 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган холда, куйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни кабуз килишини тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:
- «Истемолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аникланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартароф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истемолчи томонидан бажарилмагандан;
  - «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истемолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмаларни иншоотларини назорат килиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларини кайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгилангандаги лимитдан кўп сарф килинганда сув берини мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истемолчи томонидан асоссиз равишида киритилмагандан;
  - «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истемолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмаларда режали-огохлантириш тарзида таъминалаш ҳамда хизмат кўрсатиши ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истемолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;
  - «Истемолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникланганда;
  - «Истемолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгилангандаги муддатларда ҳак тўланмагандан;
  - «Истемолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгилангандаги тартибида руҳсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;
  - «Истемолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмагандан ва у оқизилаётган оқова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоғ килмагандан.
- 3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги ҳолатларда олдиндан хабар килмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишига ҳакли:
- «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;
  - Табийи оғатлар рўй берганда;
  - Авария ҳолатларида;
  - Ёнгин чиккан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.
- 3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:
- Сув таъминоти ва оқова сувни чиқарib юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;
  - Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишида назорат килиб бориш;
  - Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;
  - Истемолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва окава тармоқлари, иншоотлари ҳамда курилмаларнинг холатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишида назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда истемолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;
  - Истемолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув берини белгилангандаги лимитларга риоғ килинаётганини мунтазам равишида назорат килиш;
  - Сув истемоли белгилангандаги месъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгилангандаги тарифларга нисбатан оптирилуви 10,0 коэффициентни кўлаш;
  - Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;
  - Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмагандаги ҳолатларда истемолчига пеня хисоблаш;
  - Истемолчиларнинг шартнома шартларига риоғ этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат килиш;
  - Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотларни истемолчиларга бепул тақдим этиш;
  - Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳакида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истемолчиларни хабардор килиш;
  - Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишида рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиши ва узилишлар ҳакида истемолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш.

#### IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

- «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслика ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиккан зарарни, «Истемолчи» эса стказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.
- «Истемолчи» куйидагилар учун жавобгаридир:
  - Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги кисмларининг худудида ва тасарруфида бўлган пломбалангандаги хисоблаш курилмаларнинг бутун сакланиши учун;
  - Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни хисобга олиш курилмаларнинг касддан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташкардан аралашган ҳолатлари учун;
  - Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
- Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истемолчи» худудида жойлашган окава тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл кўймаслики. Ушбу қондабузарлик аникланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истемолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади;
- Конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.
- «Таъминотчи» куйидаги ҳолларда жавобгаридир:
  - Амлдаги месъёр-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофиқ ва конунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
  - «Истемолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;
  - «Истемолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;
  - Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

#### V. Сув таъминоти ва сув чиқарish хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оюва сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича КҚСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истемолчи» ичимлик ва оюва сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига кадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўлашини амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечикирилган ҳар бир куни учун истемолчи 0,4 фоиз пена тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истемолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига кадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўловларини амалга ошириласалар, истемолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни конун хужжатларида белгиланган тартибида истемолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узб кўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгидан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истемолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оюва сув чиқариш тизимидан илгари узб кўйилган ҳолларда кайта улашда «Истемолчи»дан базавий хисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари оюва сув чиқариш тизимидан ошириланади.

5.5. Оюва тизимида келиб тушувчи оюва сувнинг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорига тенг. Марказлашган исисик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истемол килинувчи ичимлик оюва сув тармоғлари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истемолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оюва сувларининг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истемолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оюва тизимидан бошка оюва ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиии сув объектларидан маҳсус сув олиш ёки истемол килиш учун руҳсатномани кўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаси (артезиан скважинаси, кудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оюва тизимида оюва сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истемолчи»га карашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туашмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истемолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истемолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларининг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектини янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюқлик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт – 24 соат, секундларда.

Кўйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:

6.2.1. «Истемолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилинг ҳолатда, сарфланган сув хажми сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) қунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги кўйилган химоя қопламига (пломбага) руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниклаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оюва сув тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аникланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаш ва «Таъминотчи»га етказиб берилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласи. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган қунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узб ташланган қунга кадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниклаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартларни мавжуд бўлмаган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истемолчи» ичимлик ва оюва сувни тармокларига уланиш санаси хакидаги хужжатлари тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким қарори ва кадастр хужжатлари хамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишига хаклидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оюва сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истемолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичидаги акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пена ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оюва тизимида руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оюва сувларини «Истемолчи»лар томонидан ташлаш тартиби ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оюва сувларини қабул қилиш қоидалари» хамда ифлослантирувиш моддаларининг ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошка ахоли пунктларининг оюва тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истемолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар оптирилуви коэффицент миқдор тартибида хисобланади.

6.8. Оюва сувни чиқарib юборишнинг хажми ва таркиби бўйича мөъёлрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл кўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча оюва сувлар ва ифлослантирувиш моддаларининг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувиш моддаларни нормативдан ортиқча оқизилганлики учун компенсация тўловларини хисоблаб ёзиш тартиби ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиятни муҳофаза килишни таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оюва сувларини кабул қилиш қоидалари хамда ифлослантирувиш моддаларининг ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошка ахоли пунктларининг оюва тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истемолчи» оюва тармокларидан узб кўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўри килинганлиги (тарифларнинг нотўри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истемолчи» ташлаш тартибида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътироzonma «Истемолчи»ни тўлов талабномаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал килинади.  
 Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.
- 7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма рawiшида огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик килса, томонлардан бири шартномани бекор килиш ҳукукига эга.

#### IX. Шартноманинг амал килиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал килади.

#### X. Тарафларнинг юридик манзили:

##### «ТАЪМИНОТЧИ»

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ  
 Конимех туман бўлими  
 Манзил Конимех тумани  
 Окмангит кўчаси 63-й  
 Тел: 79 512-24-09  
 Банк: АТИБ Ипотека банк  
 МФО: 00205, ИИН 300024824  
 x/r: 22638000304548322362

Рахбар  
 м.з.  
 «  
 2022 й.

О. Комолов  
 (Ф.И.О. имзо)



##### «ИСТЕЬМОЛЧИ»

Конимех туман Ободонлашибирош бошкармаси  
 Манзил Конимех туман Бунедкор кучаси №15  
 Тел: 79 512 27 14, факс 79 512 29 56  
 газ/x-р 100022860122117065200110001  
 Банк Ташкент Марказий банк  
 Банк коди 00014 СТИР 204 563 565  
 ХХХУТ 90 211  
 Шахсий ракам 2340 2000 3001 0000 1010



##### Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фукарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида”ги  
 Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Юрисконсульт: \_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_» 202\_\_\_\_й.

**YURIDIK AHAMIYATGA eGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIغا MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**  
**№ 1567**

**1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi :**

“Navoiy suv ta’minoti” MCHJ, Konimex tuman bo‘limi bilan Kanimex tuman obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida Iste’molchilarga ichimlik va oqova suvi xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risida №00043 -son shartnoma loyihasi va unga taqdim qilingan xujjalr

**2. Loyihaning nomi:**

“Navoiy suv ta’minoti” MCHJ, Konimex tuman bo‘limi bilan Kanimex tuman obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida jami 11 997 525 (O‘n bir million to‘qqiz yuz to‘qson etti ming besh yuz yigirma besh) so‘mlik Iste’molchilarga ichimlik va oqova suvi xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risida №00043 -son shartnoma loyihasi

**3. Loyixa ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:**

Konimeh tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan №00043 -son shartnoma loyihasi 2022 yil 21 yanvarda dasturga kiritilgan.

**X U L O S A**

Ushbu №00043 -son shartnoma loyihasi va unga ilova qilingan xujjalr amaldagi qonun xujjalari asosida o‘rganilganda qo‘yidagilar aniqlandi.

“Navoiy suv ta’minoti” MCHJ 2006 yil 27 sentyabrda Navoiy shahar davlat xizmatlari markazi tomonidan 33-raqam bilan yuridik shaxs sifatida davlat ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

“Navoiy suv ta’minoti” MCHJ direktori A.Hamraev tomonidan 2022 yil 05 yanvarda 1-IB-raqam bilan “Navoiy suv ta’minoti” MCHJ ning Konimex tuman bo‘lim boshlig‘i **Kamolov Ochil Xamidovich** tashkilotning manfaatlarini himoya qilish yuridik ahamityaga ega bo‘lgan shartnomalarni ya’ni ichimlik suv etkazib berish bo‘yicha jismoniy va yuridik shaxslar bilan shartnomalar

tuzish imzolash muhrlash ushbu shartnoma majburiyatlarini bajarilishi to‘g‘risida 2022 yil 31 dekabr kuniga qadar ishonchnomaga berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-1-son qonuniga muvofiq “Navoiy suv ta’minoti” MCHJ, Konimex tuman bo‘limi bilan Kanimex tuman obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida jami **11 997 525** (O‘n bir million to‘qqiz yuz to‘qson etti ming besh yuz yigirma besh) so‘mlik №00043 -son shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

YUqoridagilarni inobatga olib

### XULOSA QILDIM

Ushbu №00043-sonli shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksl hamda O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-1-son qonuniga muvofiq imzolash maqsada muvofiq.

**Markaz boshlig‘i**



**O.Ulugov**